

Мен уни театрда учратиб колдим, имлаётганини кўриб, танаффус пайтида ёнига бориб ўтирдим. У билан охирги марта кўришганимга ҳам анча бўлганди, агар исмини айтиб чакиришмаганида, ўйлайманки, уни танимаган бўлардим. У менга синчковлик билан мурожаат килди:

«Ха, биринчи марта учрашганимизга ҳам кўп йил бўлди. Вакт кандай тез ўтади-я! Хечам ўзгармабсан. Сен билан биринчи марта учрашганим эсингдами? Мени нонуштага таклиф килгандинг.»

Есимдами?...

Бу йигирма йил бурун бўлганди. Мен Парижда яшардим. Лотин кварталда¹ кичкина бошпанам бор эди ва ишлаб топган пулимга тирикчилигим аранг ўтарди. Хоним менинг китобимни ўкиб чиқди ва менга бу ҳақда хат ёзиб юборди. Мен унга миннатдорлик билдирдим ва кўп ўтмай ундан яна бир хат олдим. Хатда унинг Париждан ўтаётгани, мен билан учрашиш нияти борлиги ёзилганди. Лекин вақти чегараланган, факат келаси пайшанба куни бўш бўларди. У мендан Фоётсда оддийгина нонушта беришимни сўраганди.

Фоётс фронтсуз сенаторлари овкатланадиган жой бўлиб, хамёним кўтармаганидан у ерга боришни хатто хаёлимга келтирмаган эдим. Лекин менга хушомад килдилар, мен эса аёл кишига «йўк» дейиш учун хали жуда ёшлик килардим. Ой охиригача тирикчилигим учун саксон франким колганди, холос. Оддийгина нонушта эса ўн беш франкдан ошмасди. Агар кейинги икки ҳафта нафсимни кофедан тийсам, ишим жойида бўларди. Уни Фоётсда, пайшанба куни, ўн икки яримда, кутишимни ёзиб юбордим.

Хоним мен ўйлагандек ёш эмасди. Афт-ангори унча кўримли эмас, ўзи хийла савлатли кўринар эди. У хакикатан ҳам кирк ёшларда

Еди, оппок дона-дона тишлари менга одатдагидан кўпдай туюлди. У сергап аёл эди. Мен эса мулойим-кобил тингловчи бўлишга тайёр бўлиб турдим. Чунки, афтидан, у мен хакимда гапирмокчи эди. Таомномани келтиришганда хайрон колдим, чунки нархлар мен чамалагандан анча юкори эди. Лекин хоним мени тинчлантирди.

«Мен нонуштага ҳеч қачон овкат емайман», деди у.

«Кўйсангиз-чи!» дедим ўзимни химматли кўрсатишга уриниб.

«Факат битта овкат ейман. Менингча, бизнинг замонамизда одамлар жуда кўп овкат ейишади. Имкони бўлса, озгина балик... Кизик, уларда лосос гўшти бормикан?»

Йўк, бу пайтда лосос ови мавсумига хали эрта эди, бу таомномада ҳам йўк эди, лекин мен офитсиантдан бирорта бордир, деб сўрадим. Ха, уларда битта ажойиб лосос бор экан.

Мен уни мехмоним учун буюртдим. Офитсиант: «Овкат тайёр бўлгунча бирор нима ейсизми», деб сўради.

«Йўк, - деди хоним. - Мен факат битта таом ейман. Агар сизда озгина увилдирик топилса, майли. Мен ҳеч қачон увилдирикка «йўк» демайман».

Юрагим «шув» этиб кетди. Увилдирикни хамёним кўтармаслигини бидардим, лекин хонимга буни айта олмасдим. Офитсиантга харна килиб бўлса-да увилдирик келтиришни буюрдим. Ўзим учун таомномадаги энг арзон таомни танлидим. Бу кўй гўшtidан тайёрланган котлет эди.

«Менингча, сиз гўштни жуда яхши кўрсангиз керак, - деди у. - Билмайман, котлетдай қувватли таомларни егач, ишга кандай киришаркансиз. Мен ҳеч қачон ошқозонимни кийнамайман.»

Сўнгра ичимликдан гап очилди.

«Мен нонушта пайти хеч қачон хеч нарса ичмайман», деди у.

«Мен ҳам», дархол жавоб бердим мен.

«Ок винодан ташкари». У гуё мен гапирмагандек сўзини давом эттирди: «Бу фронтсуз ок винолари шундай кучсизки. Бу винолар овқатни хазм қилдиришда жуда яхши».

«Нимани хохлайсиз?», сўрадим ундан.

«Шифокорим менга шампан виносидан бошка хеч нарса ичишга рухсат бермайди».

Афтидан, рангим озгина окарди. Мен бир шиша буюрдим. Ўзимни хотиржам тутиб, шифокорим менга шампан виносини ичишни мутлако тақиқлаганини айтдим.

«Ундай бўлса, сиз нима ичмоқчисиз?»

«Сув»

У увилдирик ва лосос гўштини еб бўлди. Кейин яйраб санъат, адабиёт, мсика хақида гапирди. Мен эса хисоб-китоб бўйича қанча тўлашим хақида ўйлардим. Кўй гўшtidан тайёрланган котлетим тугаганида у деди:

«Кўриб турибман, сиз нонуштага қувватли таомларни тўйиб ейишга одатланиб қолгансиз.

Бу нотўғри, албатта. Нима учун менга таассуб қилиб факат битта таом билан қаноатланмайсиз? Аминманки, шундай қилсангиз ўзингизни жуда яхши сезасиз.»

Офитсиант кўлида таомнома билан яна қелганда, «Мен факат битта таом емоқчиман», дедим.

Хоним унинг нари кетишини ишора қилди.

«Йўк, йўк, мен нонуштага хеч қачон хеч нарса емайман. Факат енгилгина тамадди қиламан, бундан ортигини хохламайман. Мен хеч нарса ея олмайман, лекин агар уларда бирорта бундайроқ сарсабил бўлганда эди. Сарсабилдан бирорта емай Париждан қетсам афсусланган бўлардим.»

Юрагим шув этиб қетди. Мен сарсабилни дўконларда кўргандим ва хаддан ташкари қимматлигини билардим. Уларга кўзим тушса, кўпинча сўлагим окарди.

«Хонимнинг билгилари қелаётир, сизда сарсабилдан бирорта топилармикан?», сўрадим офитсиантдан.

Мен «йўк» дейди деб умидландим. Унинг қенг юзига мамнун табассум ёйилди ва у мени шунақа қатта, шунақа чиройли, шунақа юмшққ сарсабиллар борлигига ишонтира қетдики, ханг-манг бўлиб қолдим.

«Мен зигирчаям оч эмасман, - хўрсиниб деди меҳмоним, - лекин, модомики сиз қаттиқ туриб олган экансиз, сазангиз ўлмасин, сарсабил ейишга эътироз билдирмайман.»

Мен сарсабил буюрдим.

«Сиз ҳам емоқчимисиз?»

«Йўк, мен хеч қачон сарсабил емайман.»

«Биламан, уни ёқтирмайдиган одамлар ҳам бор.»

Биз сарсабил тайёр бўлгунча қутдик. Мени ваҳима босди.

Гап оининг охиригача қанча пулим қолишидамас, хозир овқатга тўлашга

етиш-етмаслигида эди. Мабодо ўн франкча етмаса, меҳмонимдан қарз сўрашга тўғри

қелса, жуда ёмон бўларди. Бунга қурбим етмасди. Мен қанча пулим борлигини аниқ

билардим ва агар тўлашга пулим етмаса, қўлимни чўнтагимга тикиб, туйқусдан ваҳима

қолиб бақириб, ирғиб ўрнимдан тураман, пулимни ўғирлашибди, дейман деган қарорга

қелдим. Ундан ҳам овқат хақини тўлашга етарли пул қикмаса, у қолда қоатимни

қолдириб, кейинроқ қайтиб қелиб тўлайман, дейишдан бошка илож қолмасди.

Хуллас, сарсабилни қелтиришди. Улар жуда қатта ва иштахани кўзгатадиган даражада

эди. Киздирилган ёг хиди димогимни китиклади. Хоним уларни кандай килиб жигилдониданўтказаётганини кузатдим ва одатдагидек хушмуомалалик билан Болконда дараматургиянинг ахволи хакида гап очдим. Нихоят у тугатди.

«Кахвами?» деб сўрадим.

«Ха, факат музкаймок билан кахва», жавоб берди у.

Менга энди барибир эди, мен ўзимга кахва ва унга музкаймок билан кахва буюрдим.

«Сиз биласиз, мен бир нарсага аминманки, - деди у музкаймокни еб бўлиб, - икковмиздан биримиз овкатга муносабатни ўзгартиришимиз керак, биримиз эса жиндек кўпрок ейишимиз ҳам мумкин.»

«Сиз хали ҳам очмисиз?» аранг сўрадим мен.

«О, йўк, мен оч эмасман: кўриб турибсиз, мен нонуштага ҳеч нарса емайман. Эрталаб бир пиёла кахва ичаман, кейин тушлик, лекин ҳеч қачон нонуштага биттадан ортик таом емайман. Мен сизни гапираётган эдим.»

«О, тушуниб турибман!»

Кейин хунук воқеа юз берди. Биз кахвани кутиб турган пайтда, юзида сохта табассум билан катта-катта шафтоли тўла саватни кўтариб бош офитсиант олдимизга келди. Бу пайт шафтоли пишадиган мавсум эмас эди. Уларнинг нархи биргина яратганнинг ўзига аён. Мен ҳам билдим, бироқ сал кейинрок, бахонасида, у гапини давом эттира туриб паришонлик билан шафтоли олди.

«Биласизми, сиз корнингизни гўшт билан тўйдириб олдингиз, энди ҳеч нима ея олмайсиз. Мен озгина овкат тановул килдим, шунинг учун шафтоли еб маза киламан.»

Тўлашим керак бўлган ҳисоб айтишди. Тўлаётганимда чўнтагимдаги пулим базур етишини кўрдим. Унинг кўзлари бир лахза мен офитсиантга берган уч франкка қадалди ва билдимки, у мени ўтакетган ҳасис одам, деб ўйлади. Бироқ ресторандан чиккан пайтимизда хали олдимда бутун бошли бир ой бор, чўнтагимда эса бир пенни ҳам йўк эди.

«Мендан ўрнак олинг, - деди у биз кўл сикишаётганимизда, - ва ҳеч қачон нонуштага биттадан кўп овкат еманг.»

«Мен бундан ҳам яхширок киламан, - жавоб бердим мен. - Бугун тушликка ҳеч нарса емайман.»

«Кизикчи, хурсандчилик билан хайкирди у, файтунга ирғиб чикиб. - Сиз хакикий кизикчисиз!»

Нихоят мен ўчимни олдим. Хозирги кунда унинг вазни йигирма бир стоне.

Алишер Отабоев таржимаси